



ООО "XB FINANSE KONSULTING"
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

«Даштобод пахта тозалаш» АЖ нинг 2017 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Даштобод пахта тозалаш» АЖ раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

ООО «XB FINANSE KONSULTING»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур проспекти 15. Телефон: 150-23-01, 233-02-10 Факс: 233-02-04. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.05.2005 йилда № 321 реестр тартиб рақами билан №1018 сонли гувоҳнома берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15.05.2008 йилда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ № 00676 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 20208000604408712001 "Даербанк" Чилонзор филиали, МФО-01046, СТИР 205666530, ОКЕД 69202. email: XB.Finance-konsulting@mail.ru.

Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 21 декабр куни берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

«Даштобод пахта тозалаш» АЖ

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Зомин тумани Даштобод шаҳарчаси. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: № 2100 сонли реестр тартиб рақами билан 25.05.1995 йилда Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Зомин туман Хоқимлиги хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган.

Хисоб рақами Х/р 2021 0000 7005 7480 9001 АОТБ «Агробанк», Жиззах вилоят Зомин филиали, МФО:00131 СТИР: 200336461, ОКЕД:17111.

Корхона директори: М.Ў. Эшматов

Мен, масъуляти чекланган жамият шаклидаги «XB FINANCE KONSULTING» аудиторлик ташкилотининг аудитори Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 21.12.2013 йилда берилган № 05171 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «Даштобод пахта тозалаш» АЖ ўртасида 15.02.2018 йилда тузилган 25/02 сонли шартномага асосан «Даштобод пахта тозалаш» АЖ нинг 01.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача бўлган даври учун тузилган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2, «Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот» - 4-шакл, «Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот»- форма №5 шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Даштобод пахта тозалаш» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ҳўжалик юритувчи субъект «Даштобод пахта тозалаш» АЖнинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

«XB FINANCE KONSULTING» Аудиторлик

ташкilotи бош директори

З.З.Эамбердиев.

Хулоса тузилган сана:

«30» Апрель 2018 йил

